

28 (1231)-сон 15 июль 2015 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият



МИЛЛИЙЛИК МЕЗОНИ

3

Самандар ҲАМРОҚУЛОВ:

ДАРЁДАН БИР
ТОМЧИМАН, ХОЛОС!



4

ҚИЗ БОЛАНИНГ
ҚАДРИ



7



8

ЙИГИТЛИК ОРИ...
СОТИЛ(МАЙ)ДИ!



ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР

Бухорода “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида 8 мингдан зиёд маслаҳатчи иштирок этди. Уларнинг 14 нафари мамлакат босқичига йўлланма олди. Тадбирда маслаҳатчиларнинг соҳага оид қонун-

лар бўйича билими ҳам синовдан ўтказилди. Иштирокчилар эркин мавзу бўйича ижодий чиқишлари билан ҳам ўз иқтидорини намойиш этишди.

Тадбир доирасида маслаҳатчиларнинг иш фалоятига доир фотоальбом, плакат ва стендлар, хунармандлик ишлари, миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Чилонзор” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марҳамат Мақсудова ғойибликни қўлга киритди.

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тума-

нидаги “Нурли бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Алтингул Муҳамбетова иккинчи, Бухоро вилояти Ромитан тумани “Шўробод” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Саодат Ҳотамова ва Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Фарида Ҳайитматова учинчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Эркин ЁДГОРОВ,
Тоҳир ИСТАТОВ (сурат), ЎЗА

ЗУЛФИЯХОНИМ
ИЗДОШЛАРИ

Саҳнадаги гўзал ҳаракатлар, қадди-қоматнинг бир вақтда ҳар хил шаклга кира олиши, мусиқага мос усуллар киши эътиборини тортади. Мамлакатимизда бадий гимнастикага эътибор бугун юксак даражага кўтарилди. Ана шундай имкониятдан илҳомланиб, тинимсиз изланаётган ёшлардан бири Самарқанд шаҳридаги Педагогика коллежи ўқувчиси Рухшона Иргашевадир. У маданият йўналиши бўйича жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ деб топилди.

— Ёшлигимдан турли спорт ўйинларини мароқ билан томоша қилар эдим, — дейди Рухшона биз билан суҳбатда. — Айниқса, кейинги йилларда ушбу спорт тури хотин-қизлар ўртасида кенг оммалашиб бормоқда. Мен ҳам бадий гимнастикага астойдил қизиқиб, спортчи қизлар каби оғир машқларни энгилгина ҳаракатлар билан бажаришни, бунинг сир-синаотини ўрганишни хоҳлаганим боис махсус тўғаракка қатнай бошлаганман.

Қаҳрамонимиз коллеж ўқув дастурдаги фанларни яхши ўзлаштириши билан бирга спорт билан жиддий шуғулланди. Қатъияти, иро-

САНЪАТ ДАРАЖАСИДАГИ СПОРТ


даси ва интилувчанлиги билан тенгдошларига ўрнак бўла бошлаган Рухшона 2012 йили Навоий шаҳрида ўтказилган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг республика босқичида фахрли 1-ўринни эгаллади. 2012-2013 йилларда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида ҳам кетма-кет голибликни қўлга киритиб, икки карра чемпионлик шохсупасига кўтарилган. 2014 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган республика очик чемпионатида голиб деб топилди. Шунингдек, юртимизда ва халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда катта натижаларга эришиб, мамлакатимиз байроғи янада баландроқ кўтариб келмоқда.

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам халқаро талабларга мос ва барча зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт иншоотлари барпо этилган, — дейди у. — Ҳар бир мактабда, жумладан, қишлоқ мактабларида ҳам турли спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, жорий йилда Самарқанддаги гимнастика мактаби реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Айни вақтда бу ерда 250 дан зиёд ўғил-қиз бадий ва спорт гимнастикаси билан шуғулланапти. 2005 йили Ўзбекистон гимнастика федерациясининг таш-

кил этилиши ушбу спорт турини изчил ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди, деб айта оламиз. Айни пайтда мамлакатимизнинг қарийб барча шаҳар ва туманларида федерациянинг бўлимлари, кўплаб бадий гимнастика марказлари ишлаб турибди. Республикаимизда хотин-қизлар спорти, хусусан, унинг нафис тури — бадий гимнастика жадаллик билан ривожланиб бораётганининг сабаби ушбу спорт тури қизларнинг соғлом бўлиб улғайишига, иродасини мустаҳкамлашга ёрдам беради, мақсади сари дадил интилишга ўргатади.

Рухшона 2014 йилда Франциянинг Ницца шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда яққалик ва жамоавий баҳсларда муваффақиятли иштирок этиб, олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган. Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган тиришқоқ қиз спорт устаси унвонига ҳам сазовор бўлган. Ташкилотчилиги ва ётақчилиги билан бирга, “Камолот” ЁИХ “Спорт” йўналиши сардори сифатида ҳам ёшлар ўртасида “Спорт — саломатлик гарови”, “Соғлом турмуш тарзининг аҳамияти” каби турли мавзулардаги маданий-маърифий тадбирларни уюштиришда фаол.

— Мен ҳам бадий гимнастика бўйича тажрибали устозларим Еле-



на Асланова ва Вера Любечова бераётган пухта сабоқларни кунт билан ўрганиб, ўзлаштириб, келгусида Ватанимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтаришни ўз олдимга эзгу мақсад қилиб қўйганман. Насиб этса, бундай қанотли орзуларим ушалишига ишонаман!

Ана шундай ёруғ ниятларни дилига туккан Рухшона Иргашева бадий гимнастикадан ташқари, рақс тўғарага ҳам қатнашади. У замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштириб, эндиликда чет тилини пухта ўрганишга интилаётди.

Ширинхон МЎМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

САЛОМАТЛИК МАРАФОНИ

Бундан салкам ўн йил аввал дунё аҳолиси 5 миллиардга етган эди. Шу муносабат билан дунё ҳамжамияти 11 июлни “Бутунжаҳон аҳолишунослик кuni” сифатида нишонлай бошлади. Дунё давлатлари ва инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ушбу кун 2005 йилдан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) билан ҳамкорликда кенг нишонланмоқда.

Жорий йилда “Фавқуллода вазиятларда химояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш” шиори остида марафон ўтказилиб, унда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 110 нафар маҳалла маслаҳатчиси, Меҳрибонлик ва Мурувват ўйларидан тақлиф этилган 48 нафар имконияти чекланган болалар иштирок этишди. Спорт марафонидан 35 ёшдан юқори бўлган аёллар бир ярим километрлик масофани босиб ўтишган бўлса, ёшлар “Ёз — ўтади соз” деб номланган мавзуда расмлар чизилди ва шашка бўйича беллашилди. Гўзаллик ва эпчиллик марафонининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова ҳамда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) нинг Ўзбекистондаги вакили Карл Кулесса сўзга чиқди.

Шундан сўнг, тадбирга ҳамоҳанг тарзда куй-қўшиқ, рақслар ва ёш спортчиларнинг чиқиши намойиш этилди. Иштирокчилар белгиланган марра томон югуришди, хаёлот оламини ижодий ишларида акс эттиришди.

Беллашув сўнггида шашка бўйича Чилонзор туманидан Дилафруз Кўчқорова, ўғил болалар ўртасида Миробод туманидан Саидақбар Сувонов 1-ўринни қўлга киритган бўлса, югуриш баҳсларида Яққасарой туманидан Эркиной Ҳасанова, Яшнобод туманидан Феруза Неъматуллаева голиб бўлишди.

— Спорт билан ҳар бир инсон шуғулланиши керак, — дейди марафон иштирокчиларидан бири Эркиной Ҳасанова. — Айниқса, ёш улғайгани сари бунга эҳтиёж ортади. Шахсан мен маълум бир спорт тури билан шуғулланмасам-да, лекин бадантарбия ва югуриш билан мунтазам машғул бўламан. Югуриш тетик ва кучли қилади.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизларни оммавий спортга жалб этиш, соғлом авлодни вояга етказиш каби эзгу мақсадлар кўзланган мақсуд марафон голибларига ташкилотчи ва ҳамкорлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Отабек АБДУМЎМИНОВ.

Иқтисодиётимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар кўлами ниҳоятда кенг. Бинобарин изчил амалга оширилётган ислохотлар тўғрисида барча соҳаларда юқори самардорликка эришиляпти. Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилиниб, ички бозор ўзимизнинг замонавий ва сифатли маҳсулотлар билан таъминланаётгани эътиборга молик. Қувонарлиси, тадбиркор ва ишбилармонлар орасида ёшлар йил сайин кўпайиб бормоқда.



БИЗНЕС ҒОЯЛАР АМАЛДА

...Маъруфхон Маматхонов эркалар оёқ кийимларини ишлаб чиқариш борасида тажриба тўплади. Бугун Марғилон шаҳридаги Гўриаввал маҳалласидаги дўконга ташриф буюрган харидорлар ёш тадбиркорнинг маҳсулотлари чидамли эканини кўп такрорлайдилар.

Маъруфхоннинг 2012 йили “Эркалар оёқ кийимларини ишлаб чиқариш” бўйича тузган бизнес-режаси “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Ёш тадбиркор — элга мададкор” лойиҳасида голибликка муносиб кўрилди. “Асака банк”нинг Марғилон шаҳар филиали томонидан берилган 12 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига у ўз фаолиятини йўлга қўйиб, куч-ғайрат билан ишга киришди. Яққа тартибдаги тадбиркор шу орқали учта бўш иш ўрни ҳам яратишга эришди. Натижалар ҳам шунга яраша. Даставвал 10 хилда, айни пайтда эса 30-40 турдаги сифатли маҳсулотлар миҳозларга етказиб берилляпти.

— Мамлакатимизда ёш тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари изчил равишда химоя

Ёш тадбиркор — элга мададкор

қилинаётгани, шунингдек, бу борада қабул қилинган қонун, қарор ва фармонлар бизга ўз фаолиятимизни янада самарали ташкил этишимизда таянч бўлмоқда, — дейди Маъруфхон Маматхонов. — Юртимизда инсон манфаатларига устувор масала сифатида эътибор берилётган бир пайтда ҳеч ким меҳр ва эътибордан, давлатимиз ғамхўрлигидан четда қолмайди. Айниқса, ёшларга кенг имконият эшикларини очилганлиги уларни иш билан таъминлашда, тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятини бошлаб, юритишда яққол намоён бўлмоқда.

Тадбиркор Маъруфхоннинг нияти — келгусида ишлаб чиқараётган маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш. Ташаббус ва ғояларни қўлдан бермас, у улкан ютуқларни қўлга киритишига ишончимиз қомил.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Фарғона вилояти.
А.РАҲМОНОВ олган суратлар

МИЛЛИЙЛИК МЕЗОНИ

Долзарб мавзу

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан мамлакатимиздаги теле ва радиоканалларда эфирга узатилаётган, кафе ва ресторанларда мониторлар орқали намойиш этилаётган, миллий менталитетимиз — маънавиятимизга зид клиплар, ёшларни “оммавий маданият”нинг турли қўринишдаги салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга қаратилган “Маънавиятимизни асраб қолайлик!” деб номланган давра суҳбати ташкиллаштирилди.

Маълумки, глобаллашув инсониятнинг азалий удумларини, умуминсоний қадриятларни кемириб, уларнинг ҳаётий тутумларини енгиллаштириб, техника ва бачканалик домига торта боради. “Оммавий маданият” (популяртура) АҚШда 1960 йиллар атрофида авж олган этник можаролар оқибатини бартавраф этиш, ёшларни америкаликлар номи остида бирлаштириш, халқларнинг урфи, анъаналари қоришиқ маданият бўлиб, бугун дунёнинг аксар давлатлари ушбу иллатнинг родини сусайтириш устида бош қотираётди. Миллионлаб маблағлар инсон шаънини топтовчи — бодидарт, пирсинг, татуаж сингари сохта гўзалликларга сарфланиб, унинг ортидан катта бир аудитория эргашаётгани, кишиларнинг маънавиятини юксалтиришга қодир асарлар эмас, ҳаётнинг енгил-елпи ўйинлари тажассумланган китоблар чоп этилаётгани, санъатнинг эстрада йўналишида олдиқочди клиплар ишланаётгани “оммавий маданият” унсурларидир. Албатта, ҳар бир даврда бунга қарши турар аудитория тарбиялангани миллий қадриятларимизнинг бугунгача ўлмай яшаб келинаётганининг исботи ҳамдир.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Муҳаммад Али кириш сўзи билан очиб берди.

Шу маънода ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан асраш борасида дадил қадамлар ташланаётди. Аммо шунинг баробарида уни билиб-билмай реклама қилаётган, ривожланишига ҳисса қўшаётганлар ҳам топилди. Айниқса, бу кўшиқчилик борасида жуда тез амалга ошмоқда.



— Ижодий сафарлардан бирида ёш қаламкашлардан бири беҳафсала, жуда жўн ёзилган китобни олиб келиб, қолди, “Шу шоирга ҳавас қиламан” деб қолди, — деди “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири, халқ шоири Сирожиддин Сайид. — Сен яхши йигит экансан, лекин бошқа бозорга келиб қолибсан, дедим. Шундай “шоир”ларнинг шеърлари бугун кўшиққа айланаётгани, унга кўп пул сарфланиб клип ишланаётгани ачинарли. Негаки ёшлар шуни эшитади, тинглайди. Яшшамагур кўшиқлар, дейсан, шуларни.

Дарҳақиқат, икки жиҳат доимо “оммавий маданият”да бўриб қўринади: биринчиси, ўзлаштириш ва ўрганиш осон, иккинчиси, ҳеч қаерда учрамайдиган ноодатийлик. Айнан шу хусусиятлар бугунги замонавий кўшиқ ва клипларнинг маъносига айланган.

“Чапак”, “Кўйлагим”, “Ҳайдарматика” сингари кўшиқлар мазмунан жуда саёз. Бу дегани, пулинг бўлса, клип ол, кўшиқ қил, машҳур бўл, деганими, ҳайронман. Уму-

ман, улар машҳурликни тўрт қатор кўшиқ айтиш, тезда одамларнинг эътиборига тушиш, экрандаги узук-юзуқ эпизодларга казо-казо санъаткорларни қақриш билан тушунишадими?! Йўқ, агар битта санъаткор халқнинг дардини тушунса, унинг ичиндан мавзу топса, у билан ҳамнафас яшаса, ҳеч қачон юзак мавзуларни кўтариб сахнага чиқмайди.

— Кейинги пайтда айтилаётган кўшиқлар тенгдошларимни тўла қониқтиради, деб айтолмайман, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси Зухриддин Қаюмов. — Айниқса, ундан бирор маъно излаб топши мушкул. Нима демоқчи, бизга берадиган гоёси нима, бари мавҳум: шеърни шеър деб бўлмайди, бекорчи сатрлар, менимча. Хонанда Муниса Ризаеванинг кўшиқлари жуда бачкана: бир, икки, уч, жонимда қолмади куч... Алмойи-жалмойи, зўрма-зўраки ясалган қофиялардан кишининг гаши келади.

Юртимизда фаолият юритаётган телерадиоканаллар, газета ва журналлар, веб-

сахифалар, айрим маърифий эшиттириш ва кўрсатувлар ҳамда нашрларнинг ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш, миллий қадриятларимизни асрашга қўшаётган хиссаси таҳсинга лойиқ.

“Оммавий маданият” иллатлари интернет, телеканал ва оммавий ахборот воситалари орқали хуруж қилиб турибдики, уни томошабинлар, муштарийлар бир қарашда тушунолмайдилар ва бора-бора уни одатий ҳол сифатида қабул қила бошлайдилар. Айниқса, “оммавий маданият”нинг қоришиқлиги, асл ва бачканалик чорраҳасида тугилгани асл ва ғариб маданиятни аниқлашда қийинчилик туғдиради.

Давра суҳбати давомида салбий таъсир кўрсатувчи, бузуқ гоёларга асосланган клиплар нима мақсадда эфирга узатилиши ҳақида мулоҳазалар тингланди, шунингдек, унда миллий манфаатимиз, ёшлар тарбияси юзасидан ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш энг долзарб вазифалар эканлиги таъкидланиб, санъат арбоблари, адабиётшунослар ва олимлар бу борада зарурий тавсиялар беришди.

Ғализ кўшиқлар матнларининг муаллифлари, шеър ўғрилари — асардузд (Алишер Навоий таъбири) ларнинг хатти-ҳаракатлари танқид этилиб, янги давр рақосларидан кўпол ва қалтис ҳаракатлар билан тўйгуларни ифодалаш одатлари, айрим телешошловчиларнинг кийиниш ва пардоз маданияти хусусида фикрлар билдирилди.

Дарҳақиқат гарбона — янгича урф-одатлар пайдо бўлиши ёшлар тарбиясига жиддий эътибор беришни тақозо этади.

— Шеърини ҳам, мусиқасини ҳам ўзи ёзиб, куйлаётганлар кўп, — дейди

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Яхши мутахассис бўлмагандан кейин хато қилади. Катта салоҳиятга эга мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш керак. Албатта, уларнинг бастакорлик борасидаги билимлари ҳам етарли даражада эмас.

Давра суҳбати давомида Ёзувчилар уюшмаси қошида Бадиий кенгаш ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

— Кўшиқларнинг савиясини, миллийлигини ўзимиз кўтаришимиз керак, — дейди “Ниҳол” мукофоти совриндори Сайёра Маматкулова. — Четдан биров келиб, миллий ашулалардан бўлсин, демаса керак. Замонавийлик яхши, бироқ миллийликни ҳам унутмаслик керак.

Дарҳақиқат, тадбир давомида замонавийлик ва миллийликни уйғунлаштириш орқали яратилаётган ижод намуналарининг сифати ҳақида ҳам қизгин мунозаралар билдирилди.

Мухтасар қилганда, ушбу давра суҳбатида бой ва қадим маънавиятимизга оид бу каби ижод маҳсули бўлмиш санъат намуналарини асраб-авайлаш, тартибга солиш хусусида қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди. Натиха эса бирдан кўриниши мушкул. Ҳамма гап қуларни бирлаштиришга боғлиқ.

Тўғри, ҳозир кўшиқчилик санъати жиддий ўзгариш, янгиланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Бир ёқда бозор шароитининг ёзилмаган қондалари, бир ёқда эса “оломон ҳаваскорлари” кўкрагига уриб, исталган радио ва телеканалларда савиясиз, ғариб, лекин замонавий кўшиқ-клипларини кўз-кўз қилаётган бир паллада бу аёвсиз тўлқиннинг олдини тўсмай, тартибга солиш осон кечмайди. Демак, бу борада зиёли қатлам вакиллари, ижодкорлар, адиб ва шоирлар ҳам бу долзарб масалада масъулдир.

Олимжон ЖУМАОБОВ,
“Оила ва жамият”
муҳбири.

МАҲАЛЛА ТАЯНЧИ

Раҳимахон опа Нуриддинова ўн бир йилдан буён Шаҳрихон туманидаги “Дориломон” маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи.

У хотин-қизларнинг қувончу ташвишлари, орзу-умидлари ва муаммоларига мудом шерик, десак муболаға бўлмайди. Раҳимахон опа имкон топди дегунча ҳар бир оилага киришга, уй бекалари, ҳомилалар аёллар билан эринмасдан суҳбатлашишга, уларга керакли маслаҳатлар беришга интилади.

Оилада турли тушунмовчилик ва келишмовчиликлар бўлиши табиий. Ана шундай пайтда, айрим келинлар энг яқин дугонасига ҳам айтишга истихоло қилган дардларини Раҳимахон опадан яшириб ўтир-

майди. Албатта, у ҳам ҳузурига келган аёлни дастлаб обдон эшитади, муаммоларини таҳлил қилади ва ниҳоят, энг сўнгги қарорни қабул қилишга шошилмаслигини тайинлайди. Имкон борича, муро-сага чорлайди, иккинчи томоннинг фикрини ҳам эшитиб, кейин хулоса чиқаради. Ана шундагина нотинч оилада тинчлик, хотиржамлик ҳукм сура бошлайди. Ўзи ҳам қадрдон хонадонига шодмон кайфиятда қайтади...

“Дориломон” маҳалла фуқаролар йиғинида жами 674 оила бўлса, уларда 3002 киши истиқомат қилаётганини инobatга олади-дан бўлсак, аксарият хонадонлардан аҳиллик ва тотувлик ҳукмронлиги кишини қувонтиради. Албатта, бунда маҳалла фаолларининг, қуончак маслаҳатчининг фидойи-



лиги катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Маҳаллада хотин-қизлар ўрта-

Маслаҳатчилар

сида устоз-шогирд анъанаси ҳам кенг йўлга қўйилган. Дилноза Ҳакимова, Мухайё Қодирова каби моҳир тикувчилар қизларга хунар сирларини кунт билан ўргатаётди.

— Элли келин, сепли келин, деган гапда жон бор, — дейди Раҳимахон опа. — Қизларнинг касб-хунар эгаллашлари келажақда асқотади. Бундан ташқари, ортиқча харажатларни қоплашда муҳим аҳамиятга эга. Бозордан қиммат нарсаларни сотиб олмайди, ўзи тўқийди.

Маҳаллани айлансангиз, ободлик-саранжомликдан дилингиз яйрайди. Шубҳасиз, бунда ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва иноқликнинг алоҳида ўрни бор.

Миролим ИСАЖОНОВ,
Андижон вилояти.



— Самандар, раҳматли отангиз — таникли қизиқчи Рустам Хамроқулов ўзининг ичкакузди хангомалари билан кулги шинавандалари кўнглидан муносиб жой олган эди. Сиз эса санъатнинг бошқа йўналишини танлагингиз. Бунинг сабаби нимада?

— “Менинг кимлигимни эл билса бўлди” деганларидек, отамнинг доверуғи, эришган мартабаси олдида бизники дарёдан бир томчи, холос. У киши чинакамига эл суйган санъаткор эди. Шу маънода менинг ҳам ёшлиқдан аскияга, қизиқчиликка меҳр-муҳаббатим баланд бўлган. Бола эдик у маҳаллари, уйимизда ўзбек аскиячилик мактабининг машхур даргалари Муҳиддин Дарвишев, Хасан Йўлдошевнинг бетакрор аскиялари ёзилган пластинкалар, аудио кассеталар сақланарди. Дадам бўш қолсалар шуларни эшитиб ўтирардилар: бирга тинглардим. Кейинчалик актёрлик касбига бўлган қизиқчи устун келди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида драма ва кино актёрлиги йўналишида тахсил олдим. “Чаёнгул” фильмида Ашур образида илк бор суратга тушганимда, омад кулиб боқди. Актёр сифатида ўзимга ишончим орди. “Муҳаббат синовлари” кинокартинасидаги ролим ҳақида ҳам самимий эътирофларни эшитдим.

Қўшиқчи сифатида шаклланишимда эса онам Мавлудхона Йўлдошеванинг таъсири кўпроқ, Аслида дадам икковлари Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтида тахсил олишган. Онам дутор йўналишида ўқиган. Гоҳида юраклари эзиллиб, дард билан йиғлаб дутор чалиб, қуйлардилар. Ана шундай пайтларда онамининг ёнларида соатлаб-ўтириб, қуйлаган ашулаларини сел бўлиб тинглардим. Ўзбек мумтоз қўшиқларининг дярли барчасини ёддан билишимда онамининг хиссаси катта.

Эсимда, дадам янги латиға устида ишлаган пайтлари онам ҳаммадан аввал эшитиб олар, икки-уч кундан сўнг айнан ўша аскияни сайқаллаб, бўрттириб ижро этиб беради. Дадам бундан хурсанд бўлиб: “Буни албатта, ёзиб қўйиш керак”, дердилар. Отамнинг аскиялари халқ орасида оммалашшида онамининг хизмати кам эмас. Бу ҳақда дадамнинг ўзлари ҳам кўп марта таъкидлардилар. Биз ана шундай соғлом ва қайноқ ижодий муҳитда улғайдик, тарбияландик. Бир-бирига суянчиқ ва ҳамфикр инсонларнинг фарзанди эканимиздан ҳаммиша фахрланаман.

— Отангиз дунёдан ўтганидан сўнг санъатда ва ҳаётда ўз ўрнинингизни топшингиз қийин кечмадики?

Хонанда ва айни пайтда, “Муҳаббат синовлари”, “Чаёнгул” каби бир қатор кинофильмлардаги роллари орқали муҳлислар кўнглидан жой олган истеъдодли актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Самандар Хамроқулов сийратига айрим чизгилар

Самандар ХАМРОҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

ДАРЁДАН БИР ТОМЧИМАН, ХОЛОС!

Гурунғ

— Дадам 1989 йили айни навқирон 36 ёшида оламдан ўтдилар. Ота-онам ўн уч йилгина бирга яшадилар. Аммо уларнинг аҳиллиги, бир-бирларини қўллаб-қувватлаши, оиламиздаги ҳамжиҳатлик биз учун жуда катта мактаб бўлиб қолган. Фирдавсийнинг: “Қаерда аёл киши қаттиққўл бўлса, ўша жойда эркаклар мард бўлиб вояга етади” деган пурҳикмати бор. Отамдан сўнг онамиз суянчиқ бўлдилар. У пайтлар ҳали ёш бола эдик. Ойим бир ўзи рўзгорнинг камини бутлаб, заҳматли ўқитувчилик касби ортидан бизларни бекаму кўст улғайтиришга ҳаракат қилдилар. Ҳам ишлаб, ҳам тарбиялашга куч тоғдилар. Баъзида онам: “Қани менга айтинглар-чи, 300 кг. юки бор аравани бир киши тортгани яхшими, ёки уч киши етаклаб бурганими?” деб сўраб қолардилар. Биз: “Албатта, уч киши тортгани яхши-да”, деб жавоб берадик. “Ҳозир ўша оғир юкни бир ўзим зиммага олганман. Менга отангиз ўрнида кўмақдош бўлинглар”, деб таъкидлардилар. Ака-ука аҳил бўлса, элда азиз бўлади, дея халқимизнинг севимили, оташнафас ҳофизлари ака-ука Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовларни бизга ўрнак қилиб кўрсатардилар. “Жигарлар бир-бирига меҳрибон, ширинсўз бўлиши керак. Ака-укаларнинг меҳри, оқибатли бўлишида ҳикмат кўп”, деб ҳозир ҳам эслатиб турадилар.

Искандар акам иккимиз онамининг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилдик. Институтида қўйётган кезларим таътил вақти талабалар ўз вилоятларига йўл олишса, биз акам билан бирга эл тўй-томошаларга бориб, санъатимиз ортидан маблағ топиб, камқўстимизни қоплардик. Рўзгорга ёрдам бериш мақсадида онам ва синглимга пул юборардик. Институти тасомлаганимдан кейин ижод борасида юксалишим қийин кечди. Бир даврада хонанда Дониёр Маҳкамов жонли ижрода қўшиқ қуйлаганимни кўриб: “Нега янги тароналар яратишга қизиқмаяпсиз?”, деб сўраб қолди. Бунинг учун ҳомий кераклигини тушунтирдим. Ишонасизми, ўшангача Дониёр ака менинг Рустам Хамроқуловнинг фарзанди эканлигимдан беҳабар экан. Шундай бўлса-да, имкон қадар, ёрдам беришини айтди. Кейинчалик наманганлик санъат шинавандаси, кадрдон дўстимиз Баҳодир Саломов саховатпешалик қилди.

— Кейинги пайтда нафақат қўшиқчи, актёр, балки бошловчи сифатида ҳам ўз истеъдодингизни намойиш этаяпсиз. Телевидение орқали эфирга узатилган “Ўхшайди-ку” дастури бунга яққол мисолдир. Айтнинг-чи, телебошловчиликнинг қийинчиликлари сездингизми?

— Ушбу кўрсатувда иштирок этиш орқали янада чиройли услубда сўзлашишга, яъни нутқ равонлигига аҳамият бераялган. Талабалик вақтларимизда устозларимиз актёр ҳар томонлама мукамал шахс бўлиши, нотиклики, суҳандонлики, қизиқчилики, хуллас, барча соҳаларни қамраб олиши зарурлигини ўргатишган. Йиллар давомида мана шу ўғитга амал қилиб келяп-

ман. “Ўхшайди-ку” кўрсатуви ижодим, билим доирам кенгайишида яна бир пойдевор вазифасини ўтамоқда. Боиси ҳар бир дастурда устоз санъаткорлар ижодини, уларнинг услубини чуқур библишга, хонанданинг ҳаёт йўли тўғрисида кўпроқ маълумот олишга муваффақ бўлмоқдаман.

— Ақангиз Искандар Хамроқулов айни пайтда ота касбини давом эттирмоқда. Унинг ижодий изланишларини қандай баҳолайсиз?

— Акам қизиқчилик йўлини танлади. Бу борада жуда кўп изланишлар олиб боради. Халқ орасида кўп юргани учун янгидан-янги самимий, содда, халқлик аскияларни тайёрлаб, одамларни қулдиришга интилади. Оила даврасида ҳам ижод намуналаридан ижро этиб беради. У даставвал “Ёшлар” телерадиоканалининг “Қалпоқ” кўрсатуви сценарийсини ёзарди. Бугунги кунда интернет порталидаги “Ажаб санда”, Наманган вилоят телевидениесини даги “Офарин” кўрсатувларининг муаллифи. Акам ўз устида эричмай, жиддий ишлайди. Имкон борида теша тегмаган, қайроқи хангомаларни топишга ҳаракат қилади. Унинг меҳнаткашлиги, одамхонлиги ва самимийлигини ҳаммиша ҳурмат қиламан.

— Оилавий аъналарингиз борми? Онангиз рўзгорбоши сифатида ҳозир ҳам сизларга қаттиққўллик қиладими?

— Энди онам меҳрибон бувижонга айланганлар. Ҳафтада жуда бўлма-са бир марта набираларига, акамнинг фарзандларига ўз қўллари билан таом тайёрлаб беришни хуш кўрадилар. Ойим бувижонимиз, яъни оналарини кўргилари келиб, қариндорларни соғинганда туғилиб ўсган гўшалари Наманган вилоятининг Поп туманидан оқиб ўтувчи Сирдарё бўйида жойлашган Уйғур қишлоғига олиб бораман. Қариндорлар кўришиб, мириқиб суҳбатлашамиз.

— Эшитишимизча, уйланаётган пайтингизда келин танлашни онангиз ихтиёрига қўйган экансиз. Эндилекда оила, турмуш ва ҳаёт ҳақида озми-кўпми хулосаларингиз бордир?

— Турмуш — бу бир умрлик савдо, дейди халқимиз. Мен ҳам бошқаларга ўхшаб, уйланишдан олдин кўп қизларни учратдим. Лекин уларнинг бирортасига юрагим “жиз” этмади. “Онажон, энди ўзингиз келин қидиринг” деганимда Намангандан аёлимнинг расмини юборишган. Илк бор унинг суратини кўрганимда, самимий табассумидан қалбим ёришиб кетган. Ўша куннинг ўзидаёқ расмдаги қизни кўришга отланганман. Мана ўн йилдан бери аҳил, тотув яшаб келяпмиз. Бир-биримизни тушунамиз, елкадошимиз. Хали олдинда режаларимиз, Аллоҳдан сўраган ниятларимиз бисёр. Энг асосийси, бизни шундай бардошли, очиқ кўнгли инсон қилиб тарбиялаган оналаримизнинг умрлари узок бўлсин!

Шаҳноза ТОЖИДДИНОВА
суҳбатлашди.



КЕЗНАК — ушбу сўз кўпроқ чорвадорларимиз тилида ишлатилади. Бу сўз тилимизда кам ишлатилса-да унга эҳтиёж бор. Тилимизда от, қўй, қорамолларнинг тўпикдан юқори, почасининг ингичка қисми “кезанақ” сўзи билан ифодаланади.

Абдимурод қўпун бу кўйнинг кезанагида малларанг белги борлигини эслаб қолган эди.

Журналдан

БОВАР — кўпинча “ақл бовар қилмайди” деган иборани ишлатамиз. Лекин “бовар” сўзининг туб маъносини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. “Бовар” асли “ишонч” маъносини англатади.

Илгарироқ мен уларнинг галиға бовар қилмай юрсам ҳам, сўнгдан тўғри сўз айтганларини билдим.

Абдулла Қодирий

БЛОКНОТ — тилимизга француз тилидан кириб “блокнот” сўзининг туб илдири “бирлашма”, “гуруҳ” деган маънони англатади. У ҳозирда ёндафтарча мазмунини ифода-лаб келади.

Зийда кўк муқовали блокнотини дам у чўнтагига, дам бу чўнтагига солар, варақлар эди.

Абдулла Қаҳҳор

ҲИЛЛА ВА ҲИЛВА — Алишер Навоий асарларида бу сўз “хулла” шаклида келади. “Ҳилла” сўзи “сарпо”, “либос”, “кийим-бош” маъноларини англатади. Шунингдек, тилимизда “ҳилла” сўзига яқин “ҳилва” сўзи ҳам бор. “Ҳилва” “жуссаси ингичкадан келган”, “хипчабел”, “нозик” деган маъноларни англатади.

Рўмолим бор ҳилладан,
Ғижимлари тилладан.

“Оқ олма, қизил олма”
китобидан

ҒОЯ — сўзининг ўзаги “мақсад”ни белгилади маъносини билдириб, “чек-чегара”, “поён”, “мақсад”, “интилиш”, “байроқ” маъноларини англатган. Ҳозирда бу сўз кишиларнинг дунёқарашлари асосларини ташкил этувчи, одамларни мақсад сари етакловчи — фикр, тушунча, тасаввур рамзи сифатида ифодаланади.

Киши астойдил меҳр қўйган
Ғоясини доим энг тўғри ва кенг тарқалган деб ҳис қилади.

Шуҳрат

Ғоясиз яшаш нақадар фэйсиз...
Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

БОЛАЛИК БЕГУБОРЛИКМИ?

ёхуд ўйинлар завқи техникада эмаслиги хусусида

Энг завқли онлар болалар ўйинлари билан боғлиқ. Миллий ўйинлар турли ифода воситалари — маълум қоида, келишувдаги шартлар асосида бўлиб, ижро талаблари болалар томонидан тайинланган ҳакамлар томонидан кузатилади. Соғлом, бақувват, эпчил этиб тарбиялаш, топқирликка ўрнатилган масъулият, қатъият, прода сингари фазилатларнинг илк куртаги мана шу ўйинлар ортида кўринади.



“strike”дан нари ўтолмайди. Баъзилар бу ўйинлар кунда эмас, балки байрамлардагина ўйналади, деган хулосада. Ҳар баҳор болаларнинг варрак учириси одатга кирган. Буви-боболари билан яшаб улғаяётган на-бираларга ана шу нурунийларимиз қизиқарли ўйинларни ўргатишади. Ота-оналарнинг эса турган гапки, бунга вақти йўқ. Аммо вақт масаласида яна бир жиҳатни айтиш лозим: биз ажратилмаган вақт эвазига фарзандларимизнинг нима билан машғуллигини билмай қолмоқдамиз. Яъни, замонавий техника, ахборот жунглиси вақтнинг аҳамиятини йўқотмоқда. Ортиқча маблағнинг сарфланиши, бехуда харжланган вақт, саломатликнинг йўқотилиши унинг асосий унсурдир. Бу ўйинлар қандай хусусиятга эга? Уларда нима акс этади?

Хаттоки “ланка” ЮНЕСКО томонидан жаҳон болалар ўйини рўйхатидан ўрин олгани, у қадим ўтмишга эғалигидан далолат. Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарига кураш ва жисмоний машқларнинг бадантарбиядаги бекиёс ўрни, ўйиннинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўхталган. Кайковус, Умар Хайём, Абулқосим Фирдавсий, Беруний чавгон, нард, шахмат, тирандозлик, қиличбозлик, чавандозлик каби юзлаб беллашувлар хусусида ёзиб қолдирган. Алишер Навоий асарларида байрам, тантаналар, тўйлар муносабати билан ташкил этилган ўйинлар ҳақида кўпгина маълумотлар бор. Уларда ўйинларнинг уюштирилиши, ижрочилари, ўтказиш тартиби баён этилган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида ўйинларнинг 150 дан зиёд тури — “қоранғуни” (қоронғида кўрғон олиш), “бандол” (асир олиш), “ўтиш-ўтиш” (давра ўйини), “чавгон” (тўп ўйини), “ўт бандал” (таёқ ўйини), қиличбозлик, найзадорлик ҳақида маълумот берилди. Мавсумий “толбаргак”, “гул ўйини”, “қорхат”, “ёмғир ёғалок”, “топишмоқ топ”, “тез айтиш”, “ким айтди” ҳам шулар жумласидан. Ўйил болалар “Чиллак”, “Тортишма-чок”ни яхши кўрса, қизлар “Супур-супур”, “Оқ теракми — кўк терак”, “Хап-пак тош” кабиларга қизиқишган.

Бу ўша тарбиядаги бўшлиқ акси, назаримда. Ўзида қотиллик, ваҳшийликни тарғиб этувчи “ГТА: сан Анд-реас”, «Counter Strike» каби ўйинларда иштирок этиш у ёқда турсин, кўриш кўрқинчли. Бир ўйлаб кўрайлик, шу ўйинни бошқараётган бола-

Мулоҳаза

да қандай хусусиятлар шаклланиши мумкин? Наҳотки, бу ўйин бўлса, ақлни чархлаш ўрнига бола онгини заҳарлаб, уни жиззаки, асабий, одамови қилиб қўйиши, кўриш қобилиятига шикаст етказиши ва маънавий зарар келтиради.

...“Сен етим эмассан” фильмида болалар ёғочдан ясалган қурол билан ўзаро ўйнашади. Унга берилиб кетган болаларнинг бири ўтмишни эслаб, руҳиятига қаттиқ зарба етади, натижада оғир аҳволга тушиб қолади. Она буни кўргач, болаларга танбех бериб, бунинг нақадар даҳшатли эканини ташутиради. Компьютер клубларини ташкил этиб, унда зўравонлик тарғиб этувчилар, бола-сининг компьютерида ёки қўл телефонида қандай ўйинлар борлигини билмай, назорат қилмаганлар, аслида, атрофимиздагилардир. Улар шунга ўзлари шароит яратиб берма-яптимикин?! Баъзилар боласи ноқобил чиқса, хатони атрофдагилардан излашади. Ваҳоланки, фарзанднинг “гап”и ота-онага тегади.

Ривоятда жиноятчи йигитни ҳибсга олиб, охириги сўзини айтишга руҳсат беришади. Шунда йигит йиғилган оломон, қариндошларига қараб: “Агар менга болалигимда шу қадар эътибор беришганимда эди, ҳозир сўнгиги сўзимни айтимаган, мана шу қўйга тушмаган бўлардим”, деган экан.

Глобаллашув даврида оқ қоғоздек покиза қалбга компьютер ўйинлари таъсирида қотиллик, зўравонлик, ваҳшийлик каби қора доғлар тушяпти. Аслида, болалар китоб деган бебаҳо олтиннинг маънавий озукасини олиши, отасининг насиҳати она-сининг меҳрибон ва талабчан тарбияси таъсирида улғайиши керак. Бола болалигини бегуборлигини қонли, қора бўёқларда эмас, камалак рангида тасаввур этиши зарур.

Камола АДАШБОЕВА.

Муштарий илҳоми

ШУ ВАТАН МЕНИКИ



*Узлатга чекинган етмиш йиллигинг,
Сўнг порлаган нури тингинг меники,
Дунёлар ҳаваси — ўз миллийлигинг,
Тинчликка чорловчи бонгинг меники.*

*Унгану унмаган ҳар бир гийёҳинг,
Боғу дала, чўлу саҳронг меники.
Кўкдаги юлдузлар, само, шамс, моҳинг
Муштарий, Чўлопу Зухронг меники.*

*Истиқлол шуқуҳи, шодон ҳар онинг,
Эл бойлиги — оқ хирмонинг меники.
Кувончдан қулган-у, йиғлаган оҳинг,
Ҳам тарих, келажак, шонинг меники.*

*Отамнинг қўлида қотган қадоғи,
Отамнинг ипақдек меҳри ардоғи,
Мухаббатим сенга, йўқдир адоғи,
Йил-у ой, ҳар тонг-у шонинг меники,
Бардавом ўчмас ниймонинг меники.*

ТИРИКЛИҚДА ШОД ЭТ!

*Армонли дунёда армонлар бисёр.
Сўзингни айт дўстим бўлиб сен хушёр.
Шикаста кўнглига бермайми озор.
Отангни, онагни асрагин эй ёр!*

*Жавдираб термулар кўзингга унсиз,
Ҳеч не умид қилмас, фақат ширин сўз.
Хизматин адо эт, дуосини ол,
Уларнинг қалбига бир бор севишч сол.*

*Биргина сўзингдан ранжимасин дил,
Ширин сўзласанг бас, бермасанг ҳам гул.
Сўнгни нафасда ҳам болам, дер у зор,
Тирикликда шод эт, сўнгиеси бекор.*

Гулжаҳон ТОШПҮЛОВА,
Касби Озиқ-овқат саноати
касб-хунар коллежи ўқувчиси.
Қашқадарё вилояти.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида фаолият юритаётган “Султонова Гулчеҳра” МЧЖ жамоаси



ҳамюртларимизни Рамазон ҳайити билан самимий муборакбод этади!

Эзгулик ва яхшилик нурлари ҳамиша қалбларимизни чароғон этсин. Гўзал диёримизда, тинчлик осойишталикда ободлик ва янгиланишлар сари интилиб яшаётган саховатли элимизнинг ризқ-рўзи зиёда, ҳаёти-миз янада фаровон бўлаверсин!

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Ҳаҷон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой.
Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтчалар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва саватлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МҲЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).


ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МҲЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи) Хизматлар лицензияланган

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани турар-жой бино кадастр бўлими томонидан Юнусова Мавжуда Мансуровна номига берилган 9-мавзе 8-уй 15-хонадоннинг уй режиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан берилган 24.02.1993 йилда №10-02/10672 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Жумаева Хилола Юлдашевна номига Тошкент алоқа коллежи томонидан 24.02.2002 йилда берилган №013754 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзига тўқ оиланинг кенжасиман. Мактабда аъло баҳоларга ўқиганман. Баъзан шеърлар ҳам ёзиб турардим. Бу оддий қизиқиш эди, назаримда. Сизни учратдим-у, ҳаётимга маъно-мазмун киргандек бўлди. Дунё кўзимга янада гўзалроқ кўринар, севаги ҳақидаги шеърларни ўқисам, кўнглимдаги тугёнларга малҳам бўлаётгандек туюларди.



КЕЧИККАН ТАВБА

Сизни илк бора кўрганимда кўнглимдан ўтаётганини пайқаб қолмасмикансиз, деган ўйда уятдан бошимни кўтаролмадим. Сўнг икки-уч бор дуч келганимизда, охистагина саломлашиб ўтдик. Шундан сизни кўрмасам, бир нимани йўқотгандек безовталанадиган бўлиб қолдим. Кўзларим ўртоқларингиз орасидан сизни излаб чарчамасди. Сизни... севиб қолгандим!

Бир куни телефоним жиринглади, қарасам, бегона рақам. Жавоб беришни ҳам, бермаслиқни ҳам билмай қолдим. Нима қилай, бир кўнглим суҳбатлаш деса, иккинчиси ақлингни йиғ, дейди. Қизиқиш ақдан устун келди.

— Алло!
— Алло, ассалому алайкум, менга Юлдузхон керак эди?

Бу сизнинг овозингиз эди.
— Бу — мен... эшитаман, — дедим зўрға.

— Илҳомман танидингизми?
— Ҳа, — дедим эшитилар-эшитилмас овозда.

— Сизда икки оғиз гапим бор эди. Илтимос, эртага кўчангиз бошидаги чинор тагига келинг. Чиқасиз-а, сизни кутаман...

Сўзингизни эшитаман-у, бутун вужудим титрайди. Лабларим кулгудан, кўзларим севиңчдан чақнайди.

Эртасига ўқишдан қайтаётганимда, чинор тагига мени кутиб турардингиз. Сизни кўрдим-у, оёқларим ўз-ўзидан ўша томонга етаклади. Юрагим тез-тез уради.

— Салом, Юлдуз, қалайсиз? Ўқишларингиз яхшими? Таклифимга йўқ демай келганингиз учун раҳмат.

Мен бир сўз деёлмай ерга қараб туравердим. Сиз эса тинмай сўзлардингиз.

— Сиз билан дўст бўлсак дейман, розилингиз таклифимга биноан келганингиз. Шундайми?

Хурсанд эдим. Билмадим, қандай

қилиб бошимни кимирлатиб, «ҳа» ишорасини бердим. Уйга қайтарканман, қалбимда ҳаяжон, кўзларимда бахтлилик аломати сезилиб турарди. Ҳар сафар коллеж ҳовлисига кирар эканман, нигоҳларим сизни изларди. Учратганимдан кейингина кўнглим хотиржам тортар, агар тополмасам, қовоғим уйилиб, ёлғизланиб қолгандек ҳис қилардим ўзимни. Ёнимда бўлсангиз ҳар бир байрам, ҳатто тугилган куним ҳам эсда қоларли ўтарди мен учун.

...Ўшанда хотин-қизлар байрами арафаси эди. Атай коллежга бормадим. Бирор қимматбаҳо совға берсангиз ўртоқларим олдидан хижолатга қолишдан кўрқдим.

Бир пайт дарвозамиз кўнғироғи чалинди. Уйда ёлғизлигим учун ўзим очдим. Остонада бир сават қип-қизил атиргуллар турар, гуллар орасида суратингиз бор эди. Гуллардан ҳам аввал суратингизни кўлимга олдим. Унинг ортига: «Байрам билан қадрдоним, Юлдуз. Кўзларимдаги соғинчим, юрагимдаги севиғим сиз учун!» деб ёзиб қўйибсиз.

Бошим кўкка етди. Энди сиз ҳақингизда аянам кўпроқ ўйлай бошладим. Эртаси куни яна ўша чинор тагига учрашдик.

— Сизни яхши кўраман, — дедингиз пичирлаб. — Биламан, сиз ҳам менга бефарқ эмассиз. Лекин ўз тилингиздан эшитгим келяпти.

— Мен... мени кечиринг, — ортимга ўгирилиб, кетишга чоғланган эдим, қўлимни маҳкам ушлаб олдингиз.

— Сизсиз менга ҳаётнинг кераги йўқ. Мен сиз билан бахтли бўлишни истайман.

Ич-ичимдан тўлқинланиб кетдим. Қаттиқ севиб қолганимни, соғинч кўнглимни ўртаганини энди тушундим...

Коллежни тамомладик. Сиз ҳарбий хизматга кетадиган бўлдингиз. Яна ўша чинор тагига учрашдик.

— Кўрасиз, хизматни аъло даражада ўтаб қайтаман, кейин институтга кирирман. Яхши ўқийман, катта одам бўламан. Шунда ота-онангиз сизни менга ўзлари қўшқўллаб тутқазадилар, — дедингиз қулиб.

Мен сизни бир сўз демай, фақат табассум билан кузатиб қолдим.

Сиз кетдингиз-у, юрагим хувиллаб қолди. На уйқумда, на ўнгимда ҳаловат бор эди. Бирдан бир сирдошим ўша қадрдон чинор эди. Лекин менадан фарқли равишда у баҳорги куртакларини ёзиб, яна янги ҳаётга қадам қўймоқда эди. Кунларим сизнинг ҳаёлингиз билан ўтарди, соғинч қалбимни тилкалар, хижронли кечалар кўз ёшларимга сабаб бўларди. Сизнинг сўнгги сўзларингиз менга умид ва таскин берарди.

Бир йил ўтиб, армиядан келганингиз ҳақидаги хабар бутун қишлоққа ёйилди. Ҳамманинг оғзида сиз, анча ўзгарганингиз, босиқ ва кўркам йиғит бўлиб қолганингиз ҳақида гапиришарди. Сизга ошиқ бўлган қизларнинг сони кундан-кун ортиб борарди. Мен эса сиз билан бўлажак учрашувни ҳаяжон билан кутардим.

Ниҳоят, ўша кун келди. Таниш чинор остида учрашишга келишдик.

— Ассалому алайкум, яхши келдингизми? — дедим титраб.

— Салом, Юлдузчам, қалайсиз? Ўқишларингиз, соғлигингиз яхшими?

Саволларингиздан бошим айланар, кўзларимни ердан узолмасдим. Кўнглимда гина ва аразларим бор эди.
— Нега бир марта ҳам хат ёзмадингиз?

— Хат ёзмади дегани, соғинмади дегани эмас-ку, тўғрими? Шошма, сенга совғам бор. Мана бу сенга, бу бизнинг ҳеч қачон узилмас меҳримиз, севиғимиз рамзи бўлиб қолсин!

Сиз кутчадан нафис занжир олдингиз-да, менга бердингиз.

Тез орада талаба бўлдингиз. Орамингиз бироз узоклашди. Ўқишга шўнғиб кетдингиз. Мен коллежни тамомлаб, институтга кириш имтиҳонларига тайёрлана бошладим. Бир куни дугонам Нигора ўйимизга келди. У гап орасида ноғоҳ:

— Юлдуз, эшитдингми, Илҳомнинг тўйи бўлаётганими, — деди. — Аммаси унга бир қиз топибди, ўшага уйланиши шарт эмиш...

Еру осмон чирпирак бўлиб кетгандек туюлди менга. Кўз олдимда сиз гавдаландингиз. Онангиз вафотидан кейин дадангиз бошқа аёлга уйлانган, ўгай онага ёқмаганингиз учун сизни аммангиз ўз тарбиясига олган эди. У сизни ўз фарзандларидан кам қилмай улғайтирди, тарбиялади. Демак, сиз ҳеч қачон волидангиз ўрнидаги инсоннинг раъйини қайтарма олмайсиз. Ақлим бу ҳолга тўғри баҳо берар, бироқ кўнглим қулиб бораётганиди.

Ойлар ўтди. Шукрки, институт талабаси бўлдим. Бир куни ўқишдан қайтсам, ойим йиғлаб ўтирар, дадам эса бор овозда бақирарди. Мени кўришлари билан бирдан жим бўлиб қолишди. Аммо авзойидан қаттиқ ранжигани кўриниб турарди.

— Нима ишлар қилиб юрибсан, қизим? Мен сенга доим қадамингни ўйлаб бос демасмидим? Мени кўйди-

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

риб адо қилмоқчимисан, а?! — деди онам мени ичкарига имлаб.

— Ойи, ҳеч нимага тушунмаяпман. Нима гап, ахир?

— Илҳом қим? У билан қандай алоқанг бор? Нега аммаси бизникига келиб, «Қизингизни йиғиштириб олинглар, жиянимни бошқа қизга уйлантиряпман», дейди? Айт, нималар қилиб юрувдинг, аҳмоқ?

Бу гап бошимга гурзидек бўлиб тушди. Наҳот, севиш шу қадар оғир гуноҳ бўлса? Эҳтимол, аммангизга фақат мени севишингизни айтиб, бошқага уйланмайман, дегандирсиз. У эса аччиқ устида ўйимизга келган...

Барибир, сизни бошқага уйлантиришди. Тўй маҳаллада дув-дув гап бўлди. Шу куни мен севиғимни қайта очилмас армонлар бағрига кўмдим. Ҳатто, эсламасликка ўз-ўзимга сўз бердим.

Орадан икки ой ўтди. Одамлар сизни қандайдир оғир касалликка чалинганингиз, шифохонада ётганингиз ҳақида гапирар бошлашди. Шу гапларни эшитган онимдан бошлаб кўксимда армон бўлган севиғимнинг ориғи уйғонди. Бир кун мени касалхонага боришга ундарди. Бормасам, сизни ҳеч қачон кўра олмайдигандек эдим. Лекин сизни кўриш учун боролмадим, журъатим етмади.

Дугонам ўша касалхонада ишлар, ундан ҳар соатда аҳолинингизни сўрардим. Афсуски, яхши гап эшитмасдим...

Шу кунларда ўйимиздан совчиларнинг қадами узилмай қолди. Дадам дўстининг ўғлига розилик берди. Ҳамма тўй тарадудиди эди-ю, менинг хаёлим касалхонада.

Бир куни тикувчининг олдида қайтсам, ҳовлида шовқин-сурон. Ичкари киришга юрагим бетламай, кулоқ тутдим.

— Жон, ака, мени кечиринг, илтимос, боламини сақлаб қолинглар. У тинмай Юлдузга сўрапти. У севиғидан айрилганига чидай олмаяпти. Менга тавқи лаънат айтинг, лекин боламага раҳмингиз келсин. Хатони мен қилдим. Ёлвораман, ўғлимни кутқаринглар!..

Бу аммангизнинг овози эди. Дадам эса уни бепарво эшитиб турарди. Ихтиёрсиз ичкарига кирдим. Аммангиз мени кўриши билан оёғимга йиқилиб, ёлвора кетди.

— Бас қилинг, бизнинг ҳам ғуруримиз, шаънимиз бор! — ўшқирди дадам. — Буни ўша — қизимни ёмонлик қилишга уринган пайтингизда ўйлашингиз керак эди. Энди кеч, кетинг!

Аммангиз қон йиғлаб, ҳовлини тарк этди. Мен эса турган жойимда тек қотдим. Агар бу воқеа бундан атиги бир неча кун аввал содир бўлганда, ҳеч иккиланмай сиз томон учган бўлардим. Лекин мен бу лаҳза бошқа бир инсонни бахтли қилиш учун йўлга чиққанман. Сизга Яратган шифо беришига ишонаман. Мен эса йўлимда давом этишим керак...

ЮЛДУЗНИНГ ДАРДЛИ ХУҚОСИНИ ДИЛОРОМ МУМИНОВА ЁЗИБ ОЛДИ.

УМИД

...Менга билиб-билмай кўп озор берасиз. Гоҳ бепарволарча, гоҳ парволарча. Азизим, наҳот мени қийнаш сизга қувонч олиб келса? Бундай ноҳақликка чидаолмайман. Мен ҳам мисли бир япроқман. Шамол бўлиб бир елсангиз, тўкилмоғим айна ҳақиқат. Япроқдек титраб яшашни, бир елсангиз-да, тўкилмоқни хоҳламайман. Сизнинг меҳрингизни соф ва шаффофлигича симирсам дейман. Худди тиниқ чашмадек.

Муҳаббат боғида гумон, ёлғон, рашк, алам, хиёнат гулларига ўрин йўқ. Мен уларга шафқат сувларидан кўёлмайман. Қўйинг, ўша гулларни

ишқимиз боғига экманг. Улар ўзларини эмас, мени хазон қилади. Келинг, яхшиши шу боғга садоқат, умид, ишонч гулларини экиб чиқамиз, меҳр куюшимиз нурларини сочамиз. Унинг ифторларидан тўйгунча симирамиз!..

ДИЙДОР

...Йўл юриб чарчаган оёқларинг охир, мен томонга сени судраб келади. Дарддан тўлиб кетган юрагингни тўкмоқчи бўласан, бироқ лаб тишлайсан. Толиққан кўзларинг кипригим соясига-да, суняиб қолади.

Осмон тинч, замин тинч. Аммо юракда вулқонлар отилмоқчидек. Шу тобда кумрилар ҳам

сайрашдан тўхтаган. Чап қўлимга қарайман: соатим ҳам ишдан чиқди, шекилли. Сен ва мен, жиммиз, фақат сукунат тили осилгунича гапирарди. Бир сўзингга илҳақ бўлиб, кўзларингдан меҳр истайман.

Сўзламоқчи бўлсам... кўрсаткич бармогингни лабларингга охиста қўйиб, «жим» дейсан. Бир сас чиқмагач, ортимга қайриламан. Қўлимдаги рўмолчамдан тортиб, қол, дейсан, айбдорларча...

Илтижоли боқиб турган кўзларингга қараб, жилмаяман.

Ҳосият НИГОР, Андижон вилояти.

Шарқда қадимдан хотин-қизлар бегона кўзлардан сақланган. Бу орқали фақатгина оила шағни, обрў-этибори эмас, балки қизларнинг номуси зарб-авайланган. Бугун-чи? Замонавий жамиятда ҳам бу муносабат аввалгидекуми?.. Ҳали-ҳануз қиз бола озорлардан, бегоналар назаридан асраб-авайлаб келияптими? Умуман, улар бугунги мураккаб даврда қанчалик ҳимояланган?

Бу саволга бирдан жавоб бериш қийин... Шу боис, балоғатга ета бошлаган даврда қиз боланинг тарбияси, унга бўладиган муносабат масаласини мақоламиз мавзусига айланттирдик.

Қизларнинг ташқи олам билан илк танишуви, остона ҳатлаб борадиган жойи — мактабдир. Таълим масканларида мунтазам равишда тарбиявий соатлар, қизлар мажлиси ўтказилиб келинади. Бироқ... Катталарда қизлар тарбиясига нисбатан салбий қарашлар кўпроқ. Ҳўш, нега шундай? Қизлар тарбиясида қаерда ва қандай хатога йўл қўйляпти?..

Авалло, таъкидлаш жоизки, барча таълим муассасаларида ҳам тарбия масалаларига жиддий эътибор берилмайди. Мактабга келиб, дарс ўрнига "Одноклассники" чатида "СМС"лашиб ўтирадиганларнинг саноғи йўқ.

Мактаб ҳовлисида синф-рахбарларидан бири билан гаплашиб тургандик. Бир-бирини ҳақоратлаётган икки қиз тортишувини эшитиб муаллима: "Қаранг, қизлар чиндан тарбиясиз бўлиб кетяпти. Аммо менинг синфимда бундайлари йўқ". — Агар ўқувчим бўлганида ўзим билардим нима қилишни", деди менга юзланиб. — Ўқитувчи жавобгарликни инкор этди, унда тарбияга ким масъул? Ушбу саволга бундан бир аср аввал Абдулла Авлоний куйидигача жавоб берган: "Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?" деган савол келадур. Бу саволга, "биринчи уй тарбияси. Бу она вази фасидур. Иккинчи, мактаб ва мадраса тарбияси. Бу муаллим, мударрис ва ҳукумат вази фасидур", — деб жавоб берсак..."

ЎҒИЛ-КИЗ ТАРБИЯСИ: МУШТАРАКМИ ЁКИ ЎЗГАРА ХОС?

Тарбия борасида ўзбек халқининг ўзига хос фалсафаси бор. Ўғил фарзанда дадил, кўркмас, кези келса, уздабурон бўлишни ўргатишади. Бироқ қиз боланинг бу фазилатларга эга бўлиши билан бир қаторда юмшоқтабиат, хушмуомала, уятчан, камгап бўлишини исташади. Бу ҳам миллий ўзига хосликдир. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, ўғил-қизга тарбия бериш усуллари ҳам турличадир. Халқимиз ўғил фарзанд тарбиясида қаттиққўл бўлса, қиз болага доим юмшоқ муомалада. Айниқса, қиз балоғатга етгани сари оиласи уни "мехмон" деб эркатлатади, бегона кўздан асрайди. Миллий тарбиянинг ушбу тамойилларига мактабларда қай даражада амал қилияпти?..

...Нозима (исми ўзгартрилди) уйга йиғлаб келди. Ойиси сабабини суриштирса, айтмагач, дугонасидан билишга уринди. Чиройликкина, орастагина Нозимани юқори синфдан бир йигит ёқтириб қолиб, унинг партасига ўйинчоқ-айиқчани ташлаб кетганмиш. Нозима, барибир болада, хурсанд бўлиб ҳақяни томоша қилаётганида устози кўриб қолиб, бутун синф олдида қизни койибди: "Ҳали синфга бегона йигитлар излаб келадиган бўлдимми? Қиз бола агар ақли бўлса, совғани олмаслиги керак эди! Шунчалик ўчмасан нарсала,

енгилтак?"... Нозиманинг юзлари нафақат уятдан қизарди, балки бутун аъзои бадани музлаб кетди. Шу кундан бошлаб дарслардан, мактабдан унинг кўнгли қолди. Охири, бошқа мактабга ўтиб кетди. Барчасига сабаб эса ўша кўнглисиз воқеа... Устози бутун синф олдида "енгилтак" деганидан сўнг, Нозима мактабда энг фаол, аълочи ўқувчидан индамас, ўрта баҳога ўқийдиган қизга айланди...

Бир оғиз сўз — айниқса, у жамоатчилик олдида айтилса — кўнглини синдиришга қодир. Қиз бола кўнгли

лана бошлаганида бунга хотиржам қараймиз. Тўғри, уларни бошқа ўқувчилардан кўра кўпроқ кузатамиз, лекин муносабатларига аралашмаймиз. Сабаби, бу пок, беғубор муносабатлар асли севги ҳам эмас, улар шунчаки танафуфда сўхбатлашишади, бирга дарс тайёрлашади, холос. Бу болаларча беғубор муҳаббатни бўғиб қўйиши, уларда мактабга, умуман ташқи оламга нисбатан ички исёни уйғотиб юбориши мумкин. Бироқ қиз бола атрофида ўзидан ёши каттароқ йигит, айниқса, ташқаридаги бегона одамни кўрадиган бўлсак, албатта,

Муҳокама учун мавзу

ҚИЗ БОЛАНING ҚАДРИ



нозик, унга синфдошлари олдида изза бўлишдан оғирроқ жазо йўқ.

Зебунисо Аҳмедова, психолог:

— Қиз бола тарбиясида индивидуалликка эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Унга танхё берганда, синф олдида изза қилиб эмас, алоҳида чақириб, хатосини тушунтирган маъқул. Мактаб, бу қиз боланинг синфдошлари ва устозлари билан муомаласи кўринишида илк инсоний муносабатлари шаклланадиган, оиладан ташқаридаги мустақил ҳаёти кечадиган макондир.

СЕВГИ ЁШ ТАНЛАЙДИМИ?

...Дарсдан сўнг Амир Темур хиёбони орқали тахририятлар жойлашган бинога бораман. Соҳибқирон ҳайкали атрофидаги ўнлаб ўриндиқларни банд қилган "севишганлар" орасида мактаб ёшидаги қизчалар ҳам йўқ эмас. Бор-ёғи, 12-16 ёш... Катта авлод бу манзарага танқидий нигоҳ билан қараши табиий, бироқ ёшларнинг ўзи буни бошқачароқ изоҳлайди: "Севги... ёш танламайди!".

Психологлар 12-16 ёшлар атрофидаги қиз болада қарама-қарши жинс вақилига нисбатан қизиқинчи севги деб баҳолашмайди. Қиз бола — нозик ҳилқат. Айниқса, ўтиш ёшида улар ниҳоятда эътиборталаб бўлишади. Болалигидан ойна олдида парвона бўлиб, ўзига оро беришга уринади, иложи борича гўзал бўлгиси, бошқаларга чиройли кўрингиси келади. Нима учун?

— Мактаб ёшидаги қизларнинг йигитлар билан муносабатида нозик ёндашув зарур, — дейди Тошкент шаҳар 144-мактаб директори Нилуфар Хусанбоева. — Хусусан, бизнинг мактабда бу борада ўз принципларимиз мавжуд. Синфдош йигит-қиз ўртасида илиқ муносабат шакл-

хавотирланамиз. Зарур чораларни кўраемиз. Бироқ бу ҳар қанақа вазиятда ҳам, ота-она, ўқитувчи ва бола ўртасида сир сақланади, бошқалар орасида бу муаммони ҳеч қачон муҳокама қилмаймиз.

"ОНАМ МЕНИ ТУШУНМАЙДИ"

...Раёно бир қарорга келишдан олдин узоқ ўйлади. Охири "Мактаб психолог"нинг олдида кирди. Уни кўлдан бери ўйлантириб келаётган масала оиласидаги вазият билан боғлиқ эди. Раёно психологга кутилмаганда: "Онам мени тушунмайди..." деб айтди.

Қиз боланинг балоғат ёшида энг яқин сирдоши онаси бўлмайди? Қачонлардир, шундай бўлгандир ҳам, бироқ бугун кўп қизлар маслақдошони оиладан ташқарида қидирмоқда. Пойтахтимиз мактабларида фаолият олиб бораётган тажрибали психологларнинг таъкидлашича, ўқувчи қизларнинг уларга муружаатлари сони айниқса, сўнгги йилларда ортган. Қолаверса, интернетдаги турли форум ёхуд ижтимоий тармоқларда қизларнинг мутлақо бегона ва нотаниш кимсалардан маслаҳат сўраб ёзган номалари кишини жиддийроқ мулоҳаза юритишга ундайди.

— Онам билан сирлашмайман, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги мактаблардан бирида ўқийдиган Назоқат (исми ўзгартрилди), — 5-синфда ўқиётганимда юқори синфдан бир йигит ҳар куни уй телефониимизга кўнғирок қилиб, гўшакни кўтарсам нималардир деб гапга соларди. Онам буни сезиб қолиб "Гапирса гаплашиб кетаверсанми?" деб қойиб берган. Аслида, ўша вазиятда мен ўзимни айбдор деб ҳисобламас эдим. Шундан сўнг сирларимни дугоналарим, маҳалладош қизлар ёки мактабимиз психологига айтадиган бўлдим.

— Онам билан 6-синфгача сир-

дош-дугона эдик, — дейди Гулистон шаҳридаги мактаб ўқувчиси Барно. — Кейинроқ онам менинг ўлғайганимни эътиборга олмади. Масалан, юзимга уна суришни бошлаганимда, қаттиқ танхё эшитганман. Вақт ўтгач, чиндан ўша сунъий воссаларнинг зарарли эканлигини тушуниб етдим. Бироқ 10-12 ёшимда онамнинг таъқиқига исён сифатида атир-упани қўлдан қўймасдим. Балки менга тўғри тушунтирганида ўзимни бошқачароқ тугган бўлардим...

Хато кимдан? Қизданми ёки онадан? Умуман олганда, фарзанд ва она — икки энг яқин инсон ўртасидаги дўстлик, ишончинг йўқолишига сабаб нима? Психологларнинг бу саволга жавоби шундай: "Ўсмирлик даври инкнрози". Ҳўш, бу давр қанча давом этади?

ДАҒАЛЛИК ОРТИДАГИ НАЗОКАТ

— Ўсмирлик даври инкнрози қиз болада, айниқса, қийин кечади, — дейди психолог Зебунисо Аҳмедова, — Бу даврда деярли барча қизлар ота-онаси уларнинг эркинлигини сиқиб қўйганлигидан шикоят қиладилар. Ўсаётган бола ўз ҳақ-ҳуққини талаб қилиши табиий ҳолат. Албатта, ота-она унинг ҳар бир талабини бажаришга мажбур эмас. Лекин буни қатъий таъқиқлар ўрнатиш йўли билан амалга ошириш нотўғри. Энг муқобил ечим — ўсмир билан дўстлик ўрнатиш, у билан ҳисоблашиш. Қиз бола бу даврда яқин инсон, меҳр-эътибор ниҳоятда зарур. Айниқса, ўсмир қизлар ўз ҳиссиётларини бутунлай жилволай олмайд.

Шу ўрнида рус педагоги В.Сухомлинскийнинг қуйидаги фикрига эътиборингизни қаратамиз: "Ўсмир ёшидаги қиз бола уни ўта ҳиссиётли деб ҳисоблашларидан кўради ва дағаллик ортига беркинади". Дағаллик ортига беркинган нозикли, таъсирчанлик, юмшоқтабиатлиликнинг намоён бўлишига қандай кўмаклашиш мумкин? "Фақат ва фақат дўстона муносабат, ширин сўз билан", — деб ҳисоблайди британиялик психолог Пол Робертс.

БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИ

Нега қизалоқлар машина эмас, кўғирчоқ ўйнашади? Жонсиз кўғирчоққа ўзича гапхўрлик қилади, қийинтиради, ухлатади, бир зумга ҳам қўлидан қўймайди... Психологларнинг фикрича, бу қизларга хос табиий инстинкт бўлиб, болалигидан она бўлишга тайёргарлик кўра экан. Чиндан, қиз бола — бўлажак она, демак бўлажак, тарбиячидир.

"Қиз бола бировнинг хасми" дейишади. "Биров" ким?.. Айрим ота-оналар қизлари билан бўладиган келиш-мовчиликларни уларни турмушга узатиш орқали ҳал қилмоқчи бўладилар. Аммо турмушга узатгунга қадар-чи? Унинг тарбияси, муомаласи, одобини ким шакллантиради? Шу маънода, Шарқ алломалари қизлар тарбиясига эътиборсизликни келажакка эътиборсизлик деб билишган. Қизларнинг шарму ҳаёси, хулқи, одобини ҳар нарсадан устун турган. Бугун-чи? Бугун ҳам шундай дея олашимиз? Саволлар кўп... Фақат унга бериладиган жавоблардан андак кўнгли тўлмайди. Мақолада ўртага ташланган фикрлар ҳам аслида танганинг фақат бир тарафидир. Ҳар кимнинг ўз ёндашуви, нуқтаи назари бор. Шундай экан, кўндаланг турган савол ечимини газетхон ихтиёрига қолдирамиз: келажакимизга нисбатан қанчалик эътиборимиз?..

Мохларойим ҚАЮМОВА,
ЎЗДЖТУ халқаро
журналистика факультети
талабаси.



ЙИГИТЛИК ОРИ... СОТИЛ(МАЙ)ДИ!

Йўл четида овозини кўйиб бақир-чақир кўтарётган йигитларнинг гапига аҳамият бермасликнинг илжаси йўқ эди. Уларнинг бири димоғлини, бир нарсаларни ўртоқларига тушунтирар, ҳамроҳлари эса унга гоҳ ҳавасланиб, гоҳ норизо тикилар, лекин ҳалиги йигит ўзининг қилган ишдан мамнуллиги юз-кўзидан сезилиб турарди.

— У менга шундай ишонадики, кет, десам, ҳам ёнимдан кетмайди. Шунчалар севадики, тасаввур қилолмайман, — дея у мийиғида кулди.

— Нега куласан? Аёл жонини бериб севади.

— Севги-певги демасанг-чи, менга унинг пули керак. Соғиб олиш керак пулини. Ота-онанинг дунёси кўп, бутун умр ётиб есанг ҳам тугайдиган эмас. Тўрт-беш сўмга тугаб қолмайди.

Унинг фикрини бошқалар маъқулладди.

... Чиндан ҳам йигит қизнинг муҳаббатидан фойдаланиб, молу дунёсини кўкка совурмоқчи эканини унинг мақтовларидан англаш мумкин эди.

Уни қайтарадиган, шу ишдан хабардор ўртоқлари ҳам афсуски, ҳеч нарса демас, аксинча, кўллаб-қувватларди. Бирни буни тушунтиришга уринса-да, унинг насиҳатини писанд этмай, жеркиб берарди.

Бугун шундай "мард"лар орамизда урчиб бораётгани ишончининг дарз кетишига бирламчи сабабдир. Негаки бунинг ортидан йигитларга нисбатан бошқача тушунчалар қизлар қалбига шакллана боради, чин севгига ҳам лоқайд қарайди, рост сўзларга ишонқирамайди.

Азал-азалдан йигитлар тарбиясига ота-боболар масъул бўлишган. Бунинг энг асосий сабаби ҳам кўпни кўрган, узок ҳаёт тажрибасига эга инсонларнинг қўлида улғайган бола келажакда бир оиланинг боши, суянчи бўлишига тайёрлашдир. Демак, бола бўлгуси оилабоши сифатида ҳалол улғайиши, бировнинг қўлига қарамай ўзининг ҳаётини қуриши, ортиқча юк бўлишдан тийилиши зарур экан. Аммо юқоридаги ҳаракатларни кўриб, дил сизё тортади. Эртага у қандай оиласини тебратлади, бутун умр бировнинг қўлига қараб рўзгор тебратадими?! Албатта, бунинг илжаси йўқ.

Этибор қаратсак, миллий қадриятларимиз замирида йигит обра-

Ойна

зи ҳалол, танти, сахий, оқкўнги ва мард, ватанпарвар инсон сифатида улғулаб келинган. Уларнинг ҳаракатларида ҳам айнан юқоридаги жиҳатлар акс этиб кўринади. "Ал-поминиш", "Фарҳод ва Ширин"да ҳам, "Лайли ва Мажнун", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Тоҳир ва Зухра", "Ўткан кунлар"да ҳам айнан мард йигитлар тимсоли улғуланиб, асар қаҳрамонлари ўз сўзи устида қатъий туриб, келажаги учун курашган. Ватан тақдирини ўзининг тақдири деб билиб, бу йўлда мардонавор жанг қилган. Йигитликнинг жасорати шу билан белгиланмайдими?! Қачондан бери улар бировнинг но-нига шериклик деган тушунча ортга бекиниб олишди.

Фарҳоднинг жидду ҳақди, Ал-помининг чўрткесарлиги, ориятни барча нарсадан устун билиши, Отабекнинг қатъияти қаерда қолди?.. Бу саволларни биргина мисол билан тамоман буриш, албатта, нотўғри. Миллий асар қаҳрамонларининг ҳар бири номус учун бошидан охиригача курашади, осон йўлни танламайди, энг енгил юкни орқаламайди. Барчасининг кўнгида халққа хос — собитқадамлик сажияси борлиги учун йиллар давомида дадил курашади ва мақсадларига етишади. Улар ҳам "Ёртибойчилик" қилиб, менга барибир деган тутумни тутса, тақдири учун курашмаса, олма пиш — оғзимга туш қабилда яшаса, бахт учун курашмаса, йигит деган ном қаерда қоларди...

Кўча-кўйда айланаркансиз, ҳар турли одамларни учратасиз. Бирининг лафзи ҳалол, бири белафз, бири ғирром, бошқаси танти. Хулласи, тарбияда нимани кўрган, ўрганган бўлса, турмуш тарзида ўшани кўллайдиган инсонлар. Беш қўл баробар эмас, деганларича бор. Лекин арзимаган тўрт-беш сўм учун номини ёмонотлик қилиш, йигит кишининг иши эмас.

Кексаларнинг айтишларича, йигит оҳд қилган ўшга фаришталар йўл очди қилган. У қанчалик мушкул бўлмасин, ўз-ўзидан хайрли кенаяқларимиз. Йигит кишининг фариштаси улуг, деган ибора ўшандан қол-ғандир, эҳтимол.

**Раҳматилла ЯХШИБОВ,
Дилшод СУЮНОВ,
Жиззах вилояти.**

КЎРИҚДАН ЎТИШ МАЖБУРИЙ

— Никоҳдан аввал тиббий кўриқдан ўтиш ҳақида маълумот берсангиз.

Р.Каримова

Никоҳдан ўтаётган ёшларимиз қонунда белгиланган тартиб ва қоида асосида никоҳдан олдин белгиланган шартларни амалга оширадидлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга асосан турмуш қураётган ёшлар тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий қилиб белгиланган. Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтадилар.

Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади.

Ҳозирги кунда фуқароларимиз томонидан фақатгина шаръий никоҳ билан оила қуриб яшаб келаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар кўпинча тиббий текширувсиз, бир-бирларининг соғлиғи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмасдан оила қуришмоқда. Бу билан улар билиб-билмай ўзлари ва дунёга келажак фарзандларининг соғлиғини хатарга қўйишади.

Шундай ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун диний идора ходимлари томонидан шаръий никоҳ ўқилишидан аввал уларнинг никоҳ гувоҳномаларини талаб қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Саволга Янгийўл туман 2-сон ФХДЭ бўлими мудири Луиза МАҲМУДБЕКОВА жавоб берди.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» ҳаққаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **Олимжон ЖУМАОБОВ**

Саҳифаловчи — **Акбар ШОДИЕВ**
Мусахҳилар — **Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВЕВА**

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000, Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5



КАРТОН МЎЪЖИЗАЛАРИ

Буюк британиялик таниқли рас-сом Крис Гилмор Стокпорт шаҳри-да туғилган бўлиб, бугун у Италия-нинг Удине шаҳрида истиқомат қилади. Крис тасвирий санъатнинг турли жанрларида маҳорат ила ижод қилса-да, унинг дунёга тани-лишида картон қоғозларидан яса-ган асарларининг ўрни бекиёс.



Дарҳақиқат, бу рассомга ўз ижод на-муналарини яратиш учун бор-йўғи картон қутилар ва елим ке-рак, холос. Қаранг, қандай арзон хом ашё... Хом ашёлар арзон, бироқ рассом-нинг меҳнати осон деб бўлмайди. Фав-қулудда кучли фанта-зия, тасаввур қоби-лияти, диққатни жам-лаш, сабр-қаноат ва бир вақтнинг ўзида қўлларнинг ҳам на-фис, ҳам эпчил ҳара-кати... Ана шулар эва-зига оддий картон қутилари жаҳоннинг машҳур биналарининг макетлари, тур-ли авто ва мото тарнспортлар, вело-сипед ёки чолғу асбоблари ва ҳоказо шакллар ҳосил бўлаверди...

Криснинг айтишича, бу иш билан у аввалига шунчаки эрмак, хобби сифа-тида шуғулланган. Тобора гўзаллик касб этаётган асарларига кейинчалик ўзи ҳам маҳлиё бўлиб, янги-янги го-ялар туғила бошлаган ва оддий машғулот санъат даражасига кўтарилган.

**Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.**

Тахририятимиз жамоаси «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа уйида кўп йиллар са-марали меҳнат қилган матбаачи Нафас Ариповга волидаи муҳтарамаси

ХОСИЯТ момонинг

вафот этганлиги муносабати билан чу-қур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам бўйича олинган. Буюртма
Г — 736. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади
— 4773. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08